

«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»

**Самарканд вилояти сув омборларидан
фойдаланиш бошкармаси бошлиғи**



А.Суюнов

**Самарканд вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошкармасига карашли
Мўминобод сув омбори лойқа-чўкиндилар миқдорини замонавий GPS қурилмали
доплер-профилограф ва охири русумдаги эхолот ёрдамида аниқлаш ҳамда сув
омборининг самарали иш режимини ишлаб чиқиш учун хизматларни курсатувчи
ташкилотни аниқлаш буйича**

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФ ҲУЖЖАТИ

Самарканд 2022-йил

А. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. Танлов предмети

Танлов комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 276, 20.05.2022 й.) асосан амалга оширади.

Танловни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

Танловни ўтказиш очик турда бўлиб, Самарканд вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошкармасининг харажатлар сметасида ажратилган Самарканд вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошкармасининг Мўминобод сув омбори лойқа-чўкиндилар миқдорини замонавий GPS қурилмали русумли доплер-профилограф ва охириги русумдаги эхолот ёрдамида аниқлаш ҳамда сув омборларининг самарали иш режимини ишлаб чиқиш учун ташкилотни аниқлаш бўйича танлов ўтказиш кўзда тутилган.

Хизматларнинг максимал нархи: 40 000 000 сўм.

Танловга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи қўшимча қиймат солиғи билан.

Ишлар танлов ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

Хизмат кўрсатиш муддати: 30 кун.

2. Мазкур танлов ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Бюджет маблағлари ҳисобидан Самарканд вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошкармасининг Мўминобод сув омбори лойқа-чўкиндилар миқдорини замонавий GPS қурилмали доплер-профилограф ва охириги русумдаги эхолот ёрдамида аниқлаш ҳамда сув омборларининг самарали иш режимини ишлаб чиқиш учун ташкилотни аниқлаш бўйича Танлов (кейинги ўринларда – Танлов) ўтказишдан мақсад – мазкур Танлов ҳужжатлари талаблари асосида тизимни яратиб берувчи ташкилотни аниқлаш.

Танлов ўтказиш тартиби – бир босқичли.

Буюртмачи – Самарканд вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошкармаси;

Манзили: Самарканд вилояти, Самарканд шаҳри Гагарин кучаси 70- уй;

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – Мухандис Хашимов Амин;

3. Танлов комиссиясининг вазифалари:

- танлов ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилайди;
- белгиланган тартибда танловни ўтказди;
- танлов талабгорларига тааллуқли барча ҳужжатларни тақдим қилиш, муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- танлов бўйича келиб тушган таклифларни очиш санасини белгилаш;
- таклифлар билдирилган конвертларни очадди, уларнинг танлов ҳужжатлари билан белгиланган талабларга (тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳоказо) мувофиқлигини текширади;
- талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларини кўриб чиқишда нархларнинг сунъий равишда оширилишини олдини олиш ва ҳолисликка ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш;
- зарур ҳолларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини назарда тутиш;
- ҳолиб деб топилган талабгорлар билан шартнома имзолаш бўйича таклиф беради.

Танловнинг ташкилотчиси - Ишчи гуруҳ. Унинг вазифасига қуйидагилар киради:

- танлов ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда

талабгорларга тақдим этади;

- танлов ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасининг etender.uzex.uz порталида эълон беради;
- танлов таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда танлов комиссиясининг вазифалари:

-қатнашчиларнинг танловга тақдим этилган молиявий ҳужжатларини ва нарх таклифларини ўрганади, таҳлил қилади ва кўриб чиқади;

-энг яхши танлов нарх таклифини аниқлайди, ғолибни аниқлайди ва қарор қабул қилади.

Қатнашчи - мулкчилик шаклидан қатъий назар, танлов талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Қатнашчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;

- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

5. Қатнашчига танловда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари

Танлов таклифларини тайёрлайди ва танлов комиссиясига тақдим этади. Уларнинг фаолиятини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни тақдим этади (Танлов комиссиясининг сўровига кўра).

5.1. Танлов қатнашчиларини малакали танлови Танлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танлов қатнашчилари қуйидаги ҳужжатлар ёрдамида малакали танланади:

- корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисидага маълумотнома;

-юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;

- тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлов талабларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси;

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва танлов эълон қилингандан сўнг олинган бўлиши шарт.

5.2. Малакали танловдан ўтган қатнашчи танлов комиссиясига (муҳрланган) ва ички муҳрланган конвертни **йўлланма хат** билан тақдим қилган бўлишлари керак. Конвертда талабгор номи, манзили ва Танлов комиссияси манзили, номи ҳамда иштирок этаётган лот рақами кўрсатилган бўлиб, қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

- қатнашчининг ташкилий шакли (1-шакл);

- қатнашчи тўғрисида умумий маълумот (2-шакл);

- қатнашчининг тажрибалари тўғрисида маълумот (3-шакл);

- маҳсулотнинг ва хизматнинг техник тавсиф жадвали (4-шакл);

- маҳсулотни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш жадвали асли (5-шакл);

- танлов таклифи асли (6-шакл);

- маҳсулот, хизмат учун таклиф қилинаётган нарх асли (7-шакл);

5.3. Қатнашчи танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.

5.4. Танловда ғолиб чиққан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

Танлов ғолиби – таклифларни баҳолаш яқунлари бўйича танловда энг паст нарх таклиф қилган танлов қатнашчиси.

Захирадаги қатнашчи – танлов ғолибидан кейинги ўринда турган паст нарх таклиф қилган қатнашчи.

5.5. Танловга қуйидаги қатнашчилар қўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлмаган;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;
- имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлган;
- аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита миқознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблағ, иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараёнида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилиши ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаши;
- иштирокчи қонунга хилоф равишда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

6. Танлов доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқиши, уларнинг танлов комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ҳамда танлов тартиб-қондасига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Танлов комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

III БОБ. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ВА КўРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

1. Умумий маълумотлар

1.1. **Хизматларнинг тўлиқ номи:** Самарканд вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармасининг Мўминобод сув омбори лойқа-чўкиндилар миқдорини замонавий GPS қурилмали доплер-профилограф ва охириги русумдаги эхолот ёрдамида аниқлаш ҳамда сув омборларининг самарали иш режимини ишлаб чиқиш учун Бажариладиган хизматларнинг бир ой давомидаги миқдори.

1.2. **Буюртмачи:** Самарканд вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси

1.3. **Етказиб берувчи:** Буюртмачи томонидан ўтказилган танлов натижаларига кўра етказиб берувчи аниқланади.

1.4. **Хизмат кўрсатиш муддати:** шартнома имзоланган вақтдан бошлаб ____ 2022 йилгача.

1.5. **Молиялаштириш манбалари:** Ўзбекистон Республикаси БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҳисобидан.

1.7. **Хизмат кўрсатувчи ташкилот** Тадқиқот ишидан олинадиган натижаларни тадқиқот объекти (Мўминобод сув омбори) да қўлланиши сув омборларидан самарали фойдаланишга, ҳавзадаги лойқа чўкиндиларни тозалашга ҳамда сув истъмолчиларини кафолатли сув билан таъминлашга хизмат қилади ҳамда сув омбори сув захирасини ортишига олиб келади